


«Йўлқурилиш» Акциядорлик Жамияти



Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги сиёсатининг асосий йўналишлари



**Коррупцияга қарши
курашишнинг натижалари
борми?**



Давлатларда коррупция даражаси ва унга қарши курашиш борасида ҳукуматлар томонидан амалга ошириладиган ишларни баҳолаб боровчи “Transparency International” ташкилотининг таҳлилига кўра, 2022-йилда **Коррупцияни қабул қилиш индекси (CPI) бўйича, Ўзбекистон дунёнинг 180та давлатлар орасида 126-ўринни эгаллади.**



Маълумот учун:
2018-йилда 158-ўрин;
2019-йилда 153-ўрин;
2020, 2021-йилларда 140-ўрин.


Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида


Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 24 ноябрда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2016 йил 13 декабрда
маъқулланган

Умумий қоидалар

KUN.UZ



**коррупцияга қарши
курашиш**



**Ўзбекистон Республикаси
Давлат сиёсати
сифатида белгиланди**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил
6 июлдаги ПФ-6257-сон Фармонида
1-ИЛОВА
**Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022
йилларга мўлжалланган
ДАВЛАТ ДАСТУРИ**

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
I. Коррупцияга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш				
1.	Давлат фуқаролик хизматига очик танлов асосида ишга қабул қилиш ҳамда ходимларнинг касбга оид сифатлари ва алоҳида хизматлари (меритократия тамойили) асосида хизмат поғоналарида кўтарилиши, давлат хизматчиларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг шаффоф механизмларини жорий этиш ҳамда уларнинг аниқ вазифаларини белгилаш.	«Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини хорижий экспертларнинг тавсиялари ва кенг жамоатчилик фикри асосида такомиллаштириш ҳамда уни амалга ошириш бўйича қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари пакетини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2021 йил 1 сентябрь	Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Адлия вазирлиги
2.	Давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ кодексини қабул қилиш.	Давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиб, Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан тасдиқлаш.	2021 йил 1 сентябрь	Олий Мажлис палаталари, Адлия вазирлиги, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги
3.	Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очик электрон реестри юритилишини йўлга қўйиш.	Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очик электрон реестрини ва у билан боғлиқ чекловларни амалиётга жорий этишга қаратилган қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш.	2021 йил 1 октябрь	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ:

1) аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, **жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш** (Қонуннинг 3-боби);

2) давлат ва жамият ҳаётининг **барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш** (Қонуннинг 4-боби);

3) **коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни** ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик **учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш** (Қонуннинг 5-боби);





КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ҚАРАТИЛГАН НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАР:

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” Қонуни (2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сон);

Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари (2018 йил 8 январдаги ЎРҚ-457-сон, 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ-788-сон);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари (2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон, 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон, 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон, 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон, 2022 йил 12 январдаги ПҚ-81-сон, 2022 йил 11 майдаги ПҚ-240-сон, 2022 йил 14 июндаги ПФ-154-сон, 2002 йил 21 июндаги ПФ-269-сон, 2023 йил 25 январдаги ПФ-14-сон);

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари (2020 йил 31 декабрдаги 829-сон, 2022 йил 16 майдаги 259-сон) ва бошқ.

**Ўзбекистон
Республикасининг 2017 йил
3 январдаги ЎРҚ-419-сон
“Коррупцияга қарши
курашиш тўғрисида”
Қонуни**

**Қонун билан қуйидагилар
белгиланди:**

- коррупция тушунчаси;
- коррупцияга қарши
курашувчи давлат
органлари;
- коррупцияни олдини
олишга доир чора-
тадбирлар.



“Коррупция - шахсинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши...”.



Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддаси

КОРРУПЦИЯНИНГ ТУРЛАРИ



МАИШИЙ КОРРУПЦИЯ -
давлат хизматларини кўрсатиш
соҳасида фуқаролар ва давлат
хизматчилари ўртасида
вужудга келадиган коррупцияга
оид ҳуқуқбузарлик.



БИЗНЕСДАГИ КОРРУПЦИЯ -
тадбиркорлар ва давлат
хизматчилари ўртасида
вужудга келадиган
муносабатлардаги
коррупцияга оид
ҳуқуқбузарликлар.



**ҲОКИМИЯТДАГИ
КОРРУПЦИЯ** - давлат
ҳокимият органларида
мансабдор шахслари
томонидан содир қилинадиган
коррупцияга оид
ҳуқуқбузарлик.



Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари



- ✓ Бош прокуратура
- ✓ Давлат хавфсизлик хизмати
- ✓ Ички ишлар вазирлиги
- ✓ Адлия вазирлиги
- ✓ Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти
- ✓ Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари (*“Коррупсияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддаси*).

КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР

(“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” Қонуннинг 4-боби)



КОРРУПЦИЯНИНГ

3 сабаби

1. Иқтисодий — давлат хизматчиларининг паст ойлик маоши, уларнинг тадбиркор ва фуқаролар фаолиятига таъсир кўрсатишда юқори ваколоти.

2. Институционал — давлат идоралари ишидаги ёпиқлик, ҳисоботлар тизимидаги қўшиб ёзишлар, қонунчилик тизимида шаффофликнинг йўқлиги, давлатнинг кучсиз кадрлар сиёсати.

3. Ижтимоий-маданий — жамиятнинг интизомсизлиги, фуқароларнинг тартибсизлиги ва ахборотга эга эмаслиги, жамоатчилик пасивлиги.



1. “Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш” йўналишида:



Республика таълим муассасаларида, шунингдек Давлат бошқаруви академиясида коррупцияга қарши курашиш соҳасида **ҳуқуқий таълим бериш** жорий этилди (2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон қарори)



Давлат хизматчиларини “**Ҳалоллик вакцинаси**” тамойили асосида мунтазам равишда коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича ўқитиш тизими жорий этилди (2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон қарори)



Давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг **ҳуқуқий маданиятини юксалтириш** бўйича билимларини оширишга қаратилган “**Ҳуқуқий саводхонлик ойлиги**”, “**Коррупцияга қарши курашиш ойлиги**” ва “**Конституциявий ҳуқуқ ойлиги**”ни ўтказиш белгиланди (2022 йил 16 майдаги ВМК-259-сон қарори)



2022-2023 йилларда **жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш** бўйича чора-тадбирлар дастури (2022 йил 16 майдаги ВМК-259-сон қарори)

2. “Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш” йўналишида:

Коррупцияга қарши кураш давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш мақсадида

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди
(2020 йил 29 июлдаги ПФ-6013-сон)

Барча давлат ва бошқарув органларида коррупцияга қарши ички назорат (комплаенс) тизими жорий этилди
(2021 йил 1 октябрдаги ПҚ-5177-сон)

Маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағлардан фойдаланилиши устидан депутатлик назорати ўрнатилди
(2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон)

2. “Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш” йўналишида:

Давлат бошқарувида “инсон омили”ни кескин камайтириш мақсадида

150дан ортиқ давлат хизматлари электрон шаклга ўтказилди (коммунал, жарима тўловлари, ўқишга ҳужжат топшириш, давлат органларига электрон навбатнинг жорий этилиши ва бошқ.)

Давлат хизматлари марказлари орқали жисмоний ва юридик шахсларга 300га яқин давлат хизмати кўрсатилиши ташкил қилинди (ҳайдовчи гувоҳномасини алмаштириш, маълумотномалар олиш, ва бошқ.);

2. “Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш” йўналишида:

Давлат органлари ва ташкилотларида коррупциянинг олдини олиш мақсадида

Давлат хизматчилари, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкни мажбурий декларация қилиш тизими жорий этилди
(2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон)*

Давлат хизматчиларига республика ҳудудидан ташқарида ҳисобрақамлар очиш ва эгалик қилиш, нақд пул маблағларини сақлаш, кўчмас ва бошқа мол-мулкка эга бўлиш тақиқланади
(2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон)

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига ишга қабул қилишни очик танлов асосида амалга ошириш ҳамда танлов доирасида ўтказиладиган синов тадбирларини Интернет тармоғи орқали реал вақт режимида кузатишни назарда тутувчи тартиб жорий этилди
(2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон)

Давлат тасарруфидаги ташкилот, идоралари ва корхоналари хусусийлаштирилди (масалан, нотариус идоралари ва бошқ.)

** Маълумот учун: Давлат хизматчиси томонидан декларация тақдим этишдан бош тортиш, қасддан нотўғри маълумотларни киритиш уни давлат хизматидан четлаштиришга ва қонунда белгиланган жавобгарликка тортишга асос бўлади (МЖтК 174-модданинг 3-қисми).*

2. “Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш” йўналишида:

Давлат органлари ва ташкилотларида коррупциянинг олдини олиш мақсадида

Давлат харидлари соҳасида ўтказилаётган тендер (танлаш) натижаларини мажбурий тарзда очик эълон қилиш амалиёти жорий этилди
(2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон)

Ўтказиладиган тендер (танлаш)ни ахборот (платформаси) тизимининг маълумот алмашинувини таъминлаган ҳолда давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида электрон тарзда (масалан, «Шаффоф қурилиш», «Шаффоф йўл») ўтказиш амалиётини йўлга қўйлди (2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон)

Давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш, баҳолаш ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини (индикаторлар асосида) рейтинг баҳолаш тизими жорий этилди
(2022 йил 12-январдаги ПҚ-81-сон)

2. “Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш” йўналишида:

Давлат органлари ва ташкилотларида коррупциянинг олдини олиш мақсадида

Давлат органларининг соҳага оид бўлмаган вазифалар қисқартирилди ва фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали уларнинг тузилмаси ўртача 15 фоизга мақбуллаштирилди, шунингдек, 26 та давлат органлари ва ташкилотларида 40 та раҳбар ўринбосарлари лавозимлари қисқартирилди
(2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон Фармони)

2023 йил 1 январдан бошлаб мустақил фаолият юритувчи республика ижро этувчи ҳокимият органларининг сонини 61 тадан 28 тагача, шу жумладан вазирликлар сонини 25 тадан 21 тагача қисқартирилди
(2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон Фармони)

Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни мажбурий аниқлаш ва баҳолаш ҳамда натижаларини “Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри”ни (“E-Antikor.uz”) шакллантириш ва юритиш жорий этилди
(2022 йил 11 майдаги ПК-240-сон) ва бошқ.

3. “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш” йўналишида:



Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тоифасига кирувчи **маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар рўйхати тузилди** (2020 йил 31 декабрдаги ВМК-829-сон)

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш шакллари (пул мукофоти, ташаккурнома ёки эсдалик совға, давлат мукофоти) белгиланди (2020 йил 31 декабрдаги ВМК-829-сон)

Агентликка «Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очик электрон реестри»ни юритиш белгиланди (2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон)

Даромадлар ва мол-мулкни декларациялаш жараёнида аниқланган **ноқонуний бойлик орттирганлик учун жавобгарлик** ўрнатиш (2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон)

Коррупцияга оид жиноятлар учун **узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо чорасини** кескин кучайтириш (2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон)

Коррупцияга оид жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан жиноий жазони **ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш** нормаларини қўлланилишига чекловлар белгилаш (2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон)

Коррупциянинг энг тарқалган ва энг хавфлиси, бу Жиноят кодекснинг 210-моддасида назарда тутилган **пора олиш** жиноятидир.

Пора олиш:

- 10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.



Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жиноий жавобгарликка тортилган мансабдор шахслар статистикаси

2021 йилда – 2 804 нафар
мансабдор шахслар жиноий
жавобгарликка тортилган.

2022 йилда – 3 116 нафар
мансабдор шахслар жиноий
жавобгарликка тортилган.





ПОРА ОЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ ТАҲЛИЛИ

СОҲАЛАР КЕСИМИДА



Шунингдек, **91 та** пора олиш жиноятидан **26 таси** ёки **28,5%** бевосита суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан содир этилган бўлиб, умумий пора олиш жиноятининг деярли **учдан бир қисмига** тўғри келган.



Бундан ташқари, **91 та** пора олиш жиноятидан **65 таси** ижро тизимида кирувчи давлат бошқарув органлари ходимлари томонидан содир этилган бўлиб, уларнинг **18 таси (19,7%)**, деярли бешдан бир қисми таълим тизими ходимлари ҳисобига тўғри келган.



ЛАВОЗИМЛАР ДОИРАСИДА



МАНСАБДОР ШАХСЛАРДАН





**Аҳолимиз биздан мактаб, боғча
ва шифохоналарни кўпайтириш,
таълим ва тиббиёт сифатини
оширишни, маҳаллада йўл, сув,
электр, транспорт муаммоларини
ҳал қилишни, иш ўринларини
кўпайтириш, тадбиркорликка янги
имкониятлар яратишни, адолатни
таъминлаш, оворагарчилик,
бюрократия ва коррупцияни йўқ
қилишни кутмоқда.**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва
Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси*

***ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН
РАҲМАТ!***